

Qishloq hayoti

2019 йил **Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**

O'zbekiston Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2019-yil 2-aprel, seshanba 26 (8993)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШРИФ ЯКУНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КЕЛИШУВ ВА БИТИМЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 1 апрель кунини ўтган ҳафта Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташриф доирасида эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Аввал хабар қилинганидек, давлатимиз раҳбари Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида Абу-Даби Амирлиги валиҳади, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонини ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Вице-президенти, Бош вазир, Дубай амира Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ҳамда ушбу мамлакат ҳукумати аъзолари ва қатор етакчи компаниялари раҳбарлари билан самарали учрашув ва музокаралар ўтказди.

Икки томонлама тadbирлар якунида Қўшма Баёнот ҳамда қатор муҳим келишувлар, жумладан, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган истиқболли инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш бўйича битимлар имзоланди.

Ушбу келишувлар инновациялар, нефть-газ тармоғи, аънавий ва муқобил энергетика, замонавий инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим каби ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф давомида БААнинг олий даражадаги раҳбарияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва янгиланишларни бир неча бор эътироф этиб, уларни тўқ қўллаб-қувватлади. Амирликлар ишбилармон доиралари мамлакатимизга тобора катта қизиқиш билдираётгани Ўзбекистонга ишонч ортиб бораётганидан далолат беради.

Йиғилишда Президентимиз эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва сўзсиз ижросини таъминлаш лозимлигини қайд этиб, қабул қилинган "йўл харитаси"ни амалга оширишни самарали усул ва механизмларни жорий этган ҳолда дарҳол бошлаш муҳим эканини таъкидлади.

БААнинг етакчи компания ва ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилаётган устувор қўшма лойиҳалар сифатида "Навоий" куруқлик порти ва эркин иқтисодий зонасини ривожлантириш, мамлакатимизда углеводородлар қазиб олишни кўпайтириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси ва бошқа ИЭСларни модернизация қилиш ва кенгайтириш, куёш ва шамол электр станцияларини, Сирдарё вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводини барпо этиш ва бошқалар белгиланди.

Бундан ташқари, агросаноат кластерларини ташкил этиш ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги экспорт салоҳиятини юксалтириш, Самарқанд шаҳрида туризм ва коммунал инфратузилмани, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, тadbиркорлик ташаббусларини, жумладан, Абу-Даби тараққиёт фонди иштирокида таъсис этилаётган низом жамғармаси 1 миллиард доллар бўлган инвестиция компанияси маблағларини жалб этган ҳолда қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, "Масдар" компанияси ва Ал Халифа университети билан кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида БААда ўз ваколатхонасини очади. Давлатимиз раҳбари "йўл харитаси"да белгиланган тadbирларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, тармоқ компаниялари раҳбарларига энг қисқа муддатда инвестиция лойиҳаларининг тармоқ жадвалини тасдиқлаш ва уларни амалга оширишни бошлаш, олий даражада эришилган Ўзбекистон – БАА келишувларининг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича самарали механизмларни жорий этиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда чорва моллари ва паррандалар бош сонини барқарор оширишни таъминлаш, ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария сервис сифатини ошириш, ҳайвонларнинг соғлигини ҳимоя қилиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, эпизоотик осойишталик ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўллаш ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, чорва молларининг наслини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик йўналишидаги чорвачилик хўжалиқлари фаолиятини ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда ириқ тadbиркорлик субъектлари кўпайтирилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Республикада наслчилик-селекция ишларини юриштиринг илмий асосланган инновацион услубларини жорий этиш, сунъий урулгантириш ишларини тизимли ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасидаги эпизоотик осойишталик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси **Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси** этиб қайта ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг **асосий вазифалари** сифатида белгилансин:

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ушбу соҳада давлат, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, ветеринария фаолиятини лицензиялашни амалга ошириш;

ветеринария соҳаси ва чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан, қорамолчилик, қўйчилик, қорақўлчилик, эчкичилик, йилқиччилик, паррандачилик, балиқчилик, асалариччилик ва қуёнчиликни ривожлантириш, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ушбу йўналишлар бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

мамлакат ҳудудларини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, амалиётга ҳайвонларни даволашнинг ва профилактикасининг замонавий усулларини жорий этиш, маҳаллий ва

хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

эпизоотик осойишталикни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олишга доир профилактика ишларининг самарадорлигини мониторинг қилиш; чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона механизмларини амалга ошириш, чорвачилик хўжалиқларига озуқа етиштириш учун ажратилган ер майдонларида чорва озуқа экинларини жойлаштиришни ташкил этиш ҳамда юқори ҳосилдорликка эришишни мониторинг қилиш;

чорвачилик тармоқларида ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни хисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш ишларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича районлаштириш;

ветеринария ва наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ва муомаласи юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги "Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5696-сон Фармони ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг бошқарув ходимлари чекланган сони 63 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тузилмаси, вилоятлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг намунавий тузилмалари 4 ва 5-иловаларга мувофиқ;

Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасининг тузилмаси ва унинг тузилмасига кирувчи муассасалар рўйхати 6-7-иловаларга мувофиқ; туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлиmlарининг намунавий тузилмалари 8-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар туманлари (шаҳарлари) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлиmlари тузилмасига кирувчи муассасалар рўйхати 9-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузурдаги "Ўзбекчорванасл" агентлигининг ташкилий тузилмаси 10-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузурдаги "Ўзбекчорванасл" агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 11-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар "Чорванасл" марказларининг намунавий тузилмаси 12-иловага мувофиқ;

Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказининг тузилмаси 13-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказларининг намунавий тузилмаси 14-иловага мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказларининг намунавий тузилмаси 15-иловага мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари тузилмасига кирувчи муассасалар рўйхати 16-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-саҳифада)



Қоракўлнинг кумуш калаваси
Бухоро вилоятидаги "Қоракўл кумуш калава" МЧЖда пахта толасидан юқори сифатли калава ип ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йил бошида фаолият бошлаган корхона Германиядан келтирилган замонавий технология билан жиҳозланган. Бу ерда тўқимачилик тармоғи учун кунига 12 тонна калава ип тайёрланмоқда. 120 нафар киши иш билан банд.
Маҳсулотни келгусида экспортга йўналтириш режалаштирилган.
Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

Самарқандда кучли ёмғир оқибатлари бартараф қилинмоқда

Табият инсониятни гоҳ-гоҳида синодан ўтказиб туради. Самарқандда 29 март кунини узоқ вақт ёққан ёмғир ҳам шаҳар аҳолисига катта таъмин келтирди. Тонги соат 04:00 дан кечқурун 20:40 гача вилоят ҳудудида сурункали ёмғир ёғиш натижасида Самарқанд шаҳри, Оқдарё, Самарқанд ва Жомбой туманининг бир қатор маҳаллалари ҳудудидаги ариқлардан сув тошиб чиқиб, кўчалар ҳамда аҳоли ҳовлиларига оқиб кирди.

Вилоят Фавқултда вазиятлар бошқармаси берган маълумотларга қараганда, 120 нафардан ортиқ фуқародан кўча деворларига оқова сувлар яқинлашиб қолганлиги, айримларининг ҳовлиларига ва яшаш хоналарига оқова сувлари қирғинлиги тўғрисида мурожаатлар келиб тушган. Биргина, Самарқанд шаҳрининг "Зарафшон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 24 та хонадонга оқова сувлари оқиб кирган, 1 та яшаш уйининг кулаши, 1 тасининг ошхонаси ҳамда 1 тасининг яшаш уйи девори кулаши қайд этилган.

— Ушбу хонадонларда истиқомат қилувчи фуқаролар вақтинчалик яқин қариндошлари ва қўшнилари уйларига кўчирилиб, хавфсизлиги таъминланди. — дейди вилоят Фавқултда вазиятлар бошқармаси штаб бошлиғи Умид Ахоров. — Бундан ташқари, юзга келган вазият инобатта олиниб, вилоят, шаҳар ҳокимлиқлари ҳамда тегишли ташкилот ва корхоналар ҳамкорлигида аҳолига барча тегишли ёрдамлар кўрсатилди. Хусусан, 37 та жойда сув лотокларига тикланган тикчилар тозаланиб, 48

та хонадонга оқиб кираётган оқова сувларининг йўлини бекитиш тadbирлари амалга оширилган.

Маълумки, Самарқанд шаҳрининг ер тузилиши нотекис бўлганлиги сабабли, ёғингарчилик ҳаддан кўп бўлган вақтларда оқова сувларининг оқиб кетиши бироз қийинлашиб, салбий ҳолатлар келиб чиқади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёмғирлардан ҳосил бўлган оқова сувлари туфайли уйларида чиқа олмаган жами 72 нафар фуқарога ёрдам бериш ишлари амалга оширилиб, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдамлар кўрсатилган. Айни пайтда вилоятда 4 та ишчи гуруҳ тузилиб, ёмғир сувларидан зарар кўрган аҳоли хўжалиқларини тўлиқ ўрганиш ва уларга зудлик билан амалий ёрдам қилиш ишлари олиб бориляпти.

Ўз мухбиримиз.

Андижон вилояти

Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Баҳодиржон Носировнинг маълум қилишича, жорий йилнинг 18-21 март кунлари Гродно давлат аграр университети ректори Пестис Витольд бошчилигидаги делегация Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Гродно давлат аграр университети Андижонда қўшма факультет очади

Унинг асосий мақсади ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги факультетини ташкил этиб, рус тилида таълим берувчи қўш дипломли дастурларни йўлга қўйишдан иборатдир. Ўзбекистон ва Беларусь дипломларини олиш имконини берувчи мазкур дастурлар дастлабки босқичда "Зоотехния" ва "Менеджмент" йўналишлари бўйича бакалаврият таълими беришни назарда тутади.

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб махсус кириш имтиҳонлари орқали қабул қилинган талабалар дастлаб Андижонда, кейин эса Гроднода 2 йилдан таълим олади. Шунингдек, филиал қошида рус тилидан тайёрлов курсларида ўқитиш ҳам шартно-

мада кўзда тутилган.

Делегация аъзолари вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан юз нафардан ортиқ фермерлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари ва филиал профессор-ўқитувчилари учун ташкил этилган семинарда ҳам иштирок этиб, Гродно давлат аграр университетининг имкониятлари ва инновацион ишланмалари тасвирланган қизиқарли тақдимотларини ўтказди.

Ташриф давомида университет Агрокимё ва туپроқшунослик кафедрасининг тажрибали мутахассислари билан илмий ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама этилди.

Умиджон МАМАРАСУЛОВ

(Боши 1-саҳифада) ветеринария ва наслчилик-селекция соҳаларида илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновация ишланмалари натижалари ветеринария ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этилишини мувофиқлаштириш;

чорвачилик маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертифицирлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этиш, ветеринария ва чорвачилик соҳаларига хоризий инвестициялар ва грант маблағларини жалб қилиш;

соҳа кадрларини тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, раҳбар ҳамда мутахассисларнинг иш услуби ва шаклларини такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси тарихидаги, кўйдаги муассасалар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси таркибига ўтказилишига розилик берилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва унинг қошидаги академик лицей;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ ҳўжалиги ва озик-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Балиқчилик илмий-тадқиқот институти.

(Боши 1-саҳифада)

Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасининг тузилмаси 17-иловага мувофиқ;

Ветеринария дори воситалари, озукабоб қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий марказининг тузилмаси 18-иловага мувофиқ;

Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмалари 19-22-иловаларга мувофиқ;

2019-2021 йилларда чорва моллари бош сони, гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича прогноз кўрсаткичлари 23-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисига:

зарур ҳолларда қўмита ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг барча ташкилий тузилмасига ҳодимларнинг белгиланган умумий штатдаги сони доирасида ўзгариштириш қиритиш; қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобдан бошқарув ҳодимларининг қўшимча штат бирикмилигини жорий этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари юқори малакали мутахассисларни, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва экспертларни консультант сифатида жалб этиш;

малакали хоризий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақи миқдори ва бошқа тўловларни чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосарлари эса тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторларининг ўринбосарлари ҳисобланади;

туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлиmlарининг бошлиқлари тегишлича туманлар (шаҳарлар) бош давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

ветеринария участкалари ва бозорлар ветеринария-санитария экспертиза лабораториясининг мудирлари тегишлича участка ва бозорларда давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

Давлат чегараси ва транспортда ветеринария назорати ветеринария пунктларининг (участкаларининг) бошлиқлари ва ветеринар врачлари тегишлича Давлат чегараси ва транспортда ветеринария назорати ветеринария пунктларининг (участкаларининг) давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси эпизоотик осойишталикни таъминлаш, ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олиш, чорвачиликнинг барча тармоқларини ва наслчиликни ривожлантириш учун масъул давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

4. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, унинг тизими ва ҳудудий ташкилотларини молиялаштириш

ва моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчилик билан таққиланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Илмий-тадқиқот ишлари, қўмита тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек, ҳодимларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари этиб: Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасининг ҳамда Ветеринария дори воситалари, озукабоб қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий марказининг хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағларнинг 75 фоизи; чорвачилик фермер ҳўжалиқларига сотиладиган уруғлар, сунъий уруғлантириш хизматини кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

қонунчиликда таққиланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг Чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик бошқармаси, Балиқчилик бошқармаси ҳамда уларнинг ҳудудий бўлиmlмалари негизида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида фаолият кўрсатадиган “Ўзбекчорванасл” агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ташкил этилсин.

7. Агентлигининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин: чорвачилик тармоғини ривожлантириш, сунъий уруғлантиришни ташкил этиш, наслчилик-селекция ишларини такомиллаштириш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, чорва озук базасини мустаҳкамлаш;

чорвачиликда соф генофондни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, илмий-тадқиқот муассасалари томонидан ишлаб чиқилган наслчилик-селекция дастурларини амалиётга татбиқ этиш ва мувофиқлаштириш;

чорвачиликда наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш мақсадида наслчилик ресурсларини

яратиш, сақлаш, такрор кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш;

озукабоб экинларни етиштириш учун ажратилган ер участкаларида ушбу экинлар етиштирилишини мониторинг қилиш.

8. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

чорва моллари бош сони 100 шартли ва ундан ортиқ бўлган чорвачилик ҳамда паррандалар сони 100 минг бош ва ундан юқори бўлган паррандачиликка ихтисослашган ҳўжалиқларда алоҳида штат асосида ветеринария врач ва зоотехник мутахассисларнинг фаолият юритиши жорий этилади;

қорамолчилик йўналишидаги ҳўжалиқлар (бўрдоқчилик ҳўжалиқлари бундан мустасно) ҳамда аҳоли қарамонидидаги сугирлар Агентлик томонидан ишлаб чиқилган селекция режасига асосан мазкур ҳудуд учун бириктирилган зотдаги насли бўқалар уруғи билан сунъий уруғлантирилади;

туман ҳокимликлари ҳар йилнинг 1 декабрига қадар Агентлигининг ҳудудий бўлиmlмалари билан келишган ҳолда

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2019 йил 28 март

Ш.МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси томонидан вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлиmlлари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимларининг тақдимига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспектори, унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг Давлат ветеринария назорати бошқармаси ветеринар мутахассислари ўз ваколатлари доирасида давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси бошлиғи давлат чегараси ва транспортда бош давлат ветеринария инспектори, унинг ўринбосарлари эса Давлат чегараси ва транспортда бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторларининг ўринбосарлари ҳисобланади;

туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлиmlларининг бошлиқлари тегишлича туманлар (шаҳарлар) бош давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

ветеринария участкалари ва бозорлар ветеринария-санитария экспертиза лабораториясининг мудирлари тегишлича участка ва бозорларда давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

Давлат чегараси ва транспортда ветеринария назорати ветеринария пунктларининг (участкаларининг) бошлиқлари ва ветеринар врачлари тегишлича Давлат чегараси ва транспортда ветеринария назорати ветеринария пунктларининг (участкаларининг) давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

6. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси икки ой муддатда қўйидагиларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мавжуд чорвачиликка ихтисослашган ҳўжалиқларнинг, шу жумладан, кўп тармоқли ҳўжалиқларнинг мавжуд қувватларини хатловдан ўтказиб, уларнинг етишмайдиган ўрнини насли қорамоллар билан тўлдириш бўйича дастурини;

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда наслчилик ҳўжалиқларида етиштирилган ва Агентлик ва унинг ҳудудий бўлиmlмалари томонидан импорт қилинган ва қишлоқ ҳўжалиги қороналарига сотилган ҳар бир бош наслдор қорамол учун субсидия бериш тартибининг;

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган ҳўжалик уруғчилик субъектларида парвариш қилинаётган чорва молларини сугурталаш тартибининг.

7. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиалини ташкил этиш;

Молия вазирлигининг ветеринария участкаларидаги 1 500 нафар ҳодимга қўшимча равишда чорва моллари наслини яхшилаш ва сунъий уруғлантириш вазифаси юклатилаётганлигини инобатга олиб, уларнинг тариф разрядларини 3 разрядга ошириш тўғрисидаги тақдимига розилик берилсин.

8. Агентлик ижро аппарати ва унинг ҳудудий бўлиmlмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

9. Агентлигининг бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар “Чорванасл” марказлари директорларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳар йили наслчилик иши ва сунъий уруғлантиришни ташкил қилиш учун 1 500 тага ишчиларни шартнома асосида жалб қилиш ваколати берилсин.

Бунда жалб қилинадиган ишчилар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси томонидан 12 ойлик шартнома асосида ишчилар ва банд бўлмаган шахслар сифатида жамоат ишларига жалб қилинади ва уларнинг иш ҳақи жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

10. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлиmlмалари томонидан аҳоли, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва чорвачилик йўналишидаги ҳўжалик уруғчилик субъектларга кўрсатиладиган хизматлардан ҳамда насли чорва молларини республикага импорт қилиб сотишдан тушган маблағлар солиқ солинадиган базага киритилмайди.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Агентлик билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманда ташаббускорларни аниқлаб:

ички истеъмол бозорини сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, гўшт нархининг барқарорлигини сақлаш мақса-

дида 2019-2021 йилларда ҳар бир туманда қорамолларни бўрдоқига боқишга ихтисослашган камидикикитадан 300-500 бошга мўлжалланган замонавий комплексларни;

ички истеъмол бозорини сифатли сут ва сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, сут нархининг барқарорлигини сақлаш мақсадида ҳар бир туманда камидикикитадан 250-300 бошга мўлжалланган сут йўналишидаги қороналарни ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

12. Агентлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари:

мазкур қарорнинг 23-иловасига мувофиқ 2019-2021 йилларда чорва моллари бош сони, гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш;

чорвачилик ҳўжалиқларидаги мавжуд чорва моллари учун ажратилган ер майдонларини икки ой муддатда хатловдан ўтказсин ва улардан самарали фойдаланишининг ҳолатини ҳар бир ҳўжалик кесимида алоҳида ўрганиб чиқсин, ўрганишлар натижаси бўйича мавжуд шартли мол бош сонига нисбатан тафовут аниқланганда, ортиқча ер майдонларидан самарали фойдаланиш юзасидан барча чора-тадбирларни амалга оширсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Агентлик “Халқ банки”, “Алоқа банк”, “Ўзсаноатқурилишбанк” ва “Ипотекабанк” акциядорлик тижорат банклари билан биргаликда чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик йўналишидаги лойиҳаларни амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича доимий ҳамкорликда фаолият олиб бурсинлар.

14. Агентлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда пахта ва галла экин майдонларига алмашлаб экиладиган чорва озукаси учун беда экинни тўлиқ экилишини ташкил этсин ҳамда етиштириладиган ҳосилни чорвачилик ҳўжалиқлари ва аҳолига тизимли етказишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни;

“Ўзбекчорванасл” агентлиги тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасининг маблағларидан фойдаланиш ва шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Агентлик Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21а-уй манзилига жойлаштирилсин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2019 йил 28 март

Ш.МИРЗИЁЕВ

ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Агентлигининг ҳудудий бўлиmlмаларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бинолар ажратилишини таъминласин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари ҳамда Агентлик бош директори чорвачилик субъектларига ажратилган ер майдонларига фақат чорва озук экинлари экилишига масъул этиб белгилансин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари янгидан ташкил этиладиган чорвачилик субъектларига меъёр бўйича озук экинлари экиш учун ер майдонлари ажратиб берилишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳисоб-китобларига асосан Агентлиқни зарур мебель, компьютер техникаси ва инвентарлар билан жиҳозлаш учун етарли маблағлар ажратсин;

Агентликка хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин ҳамда Агентлик ва унинг ҳудудий бўлиmlмаларига 16 та хизмат енгил ва 161 та махсус автомобилларни сақлашга лимит белгилансин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Агентлиқни наслчилик иши ва сунъий уруғлантиришни ташкил қилиш мақсадида 24-иловага мувофиқ зарур бўлган махсус автотранспорт ва моддий-техника воситалари, шу жумладан, дьорар идишлари ва бошқа зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун талаб этиладиган маблағларни ажратсин;

ушбу қарордан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига тегишли ўзгариштириш киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4067-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 7-иловасига мувофиқ жорий йилда Самарқанд ветеринария институтининг қурилиш тугалланмаган ўқув биноси объектини куриши ва жиҳозлаш ишлари охирига етказилишини таъминласин.

2020 йилда қурилиши режалаштирилган институт иншоотларига буюртмачи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси белгилансин.

22. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Агентлиқни зарур алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқа воситалари билан таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари Ш.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2019 йил 28 март

Ш.МИРЗИЁЕВ

Сўнги йилларда туризм соҳасини жадал ривожлантириш, юртимизга келаётган хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш, ички туризмни кенгайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёш тадбиркор ЯНГИ ЛОЙИХА УСТИДА ИШ ОЛИБ БОРЯПТИ



2019 йилда дам олиш масканида ташкил этилган янги ўтовлар ҳам сайёҳларни қабул қилишга тайёр. Бу йил 10 мингга яқин хорижий фуқароларни қабул қилишни олдиға мақсад қилган масканда айни дамда янги мавсум бошланди. Президентимизнинг туризми ривожлантиришга қаратилган қарор ва фармонлари бизни ҳам руҳлантириб, ушбу йўналишда иш бошлашимизга туртки берди, — дейди мажмуа раҳбари Фарҳод Сирожов. — Қадимий масканда бу мажмуани бунёд этганимиз, сайёҳларга бой ва гузал табиатимизни кўрсатиш, уларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришига кўмаклашишга қаратилган. Сўнги йилларда мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва таъминланган шарт-шароитлар яратиш, қурилиш соҳасида замонавий шаҳарсозлик услублари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни

энг ривожланган тармоқларини, инвестицион лойиҳалар кўринишида олиб кириш йўлга қўйилди. — Жумладан, инвестицион лойиҳа сифатида вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳлар талабларига тўла мос келувчи замонавий меҳмонхоналар қуриш ва мижозлар талабига кўра ҳар қандай ўлчамдаги енгил конструкцияли тайёр кўп қаватли бинолар, шифохоналар, болалар боғчалари, офис ва уй-жойлар қуришга мўлжалланган кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонасини ишга тушириш режалаштирилган, — дейди ташкилот мутахассиси Мурод Остонов. — Ушбу кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш учун 24 миллиард сўмдан ортққ инвестицион маблағлар сарфланмоқда ҳамда 50 дан ортққ янги иш ўрни яратилмоқда. Тадбиркорлик соҳасидан барака топаётган, янги лойиҳалар устида тинимсиз изланиш олиб бораётган Фарҳод ака сингари тадбиркорлар юртимизнинг ҳақиқий фахридир.



ярмаркасидаги фаол иштироки туфайли Сармишсой номи бир қанча халқаро ташкилотлар тан олмоқда. Бугунги кунда мазкур дам олиш масканида миллий туризмнинг янги йўналишларини жорий қилишни мақсад қилган ёш тадбиркор Фарҳод Сирожов мазкур ҳудудда “Sarmish land” номи билан аталувчи навбатдаги лойиҳа устида иш олиб бормоқда.

Етти минг йиллик тарихга эга, очик осмон остидаги музей, дея эътироф этилган Сармишсой дунё сайёҳларининг нигоҳи тушган маскандир. Аждодларимиз томонидан қрошошларга битилган суратлар бу ҳудуднинг азалдан маданият ва маънавият ўчоғи бўлганлигидан садо беради.

Ушбу қадимий дарада ички ва ташқи туризми ривожлантириш борасида амалга оширилган истиқболли лойиҳалар эса келгусида бу мажмуа ҳақиқий сайёҳлик марказига айланишини таъминлайди. Республикаимизнинг табиий клим шароити, тарихий-маданий обидалари, тоғли ҳудудлари, манзарали жойлари, миллий анъана ва урф-одатлари соҳанинг ривожланишига замин бўлмоқда. Биргина Навоий вилоятининг мазкур йўналишдаги истиқболли стратегияси нафақат маҳаллий, балки хорижий сайёҳлик компанияларининг эътиборини жалб қилмоқда.

Вилоятнинг энг ноёб ва тарихий объектларидан бири “Сармишсой” қоятош расмларини бутун дунё олимлари бир неча йиллардан бўён ўрганадилар. Бу масканга ташриф буюрган сайёҳ учун мўъжизавий маконни томоша қилишга бир неча кун камлик қилади.

Буни тўғри англаган ёш тадбиркор Фарҳод Сирожов 8 йил давомида Сармишсойнинг тоғли ҳудуди ва чўл зонасида ободонлаштириш ишларини олиб борди. Манзарали кўчатлар ўтказди. Унинг сайёҳаракати билан 30 гектар жойда “Сармишсой – Навоий” дам олиш маскани барпо этилди. 2017 йилдан бўён фаолият олиб бораётган мазкур дам олиш маскани бугунги кунга келиб нафақат хорижий, балки маҳаллий сайёҳатчиларга ҳам Сармишсой дарасининг эко олами, фауна ва флора дунёсини намўён этмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида мазкур дам олиш масканига 6 мингга яқин хорижий давлат фуқаролари ташриф буюрди. Айни кунда дам олиш маска-

Кашқадарё вилояти Президентимизнинг тегишли фармон ва қарори ижроси асосида 2017 йил 2 октябрда Китоб туманида ирригация бўлими ташкил этилди. Унга ирригатор Диёр Турсунов раҳбар этиб тайинланди. Ёш сергайрат мутахассис ишга астойдил киришди.

Сув йўллари равонлашмоқда



Биз яқинда ирригация бўлимида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишдик. Китоб туманида 129,2 километр ҳўжалиқларора каналлар, 1548 километр ички суғориш тармоқлари мавжуд. Қорабулоқ, Анҳор, Дам, Янги Замон, Шаҳрисабз гидро участкаларининг гидропостларида сув тақсимланади. Маълумки, сув йўллари тозаланса, обиҳаёт равон оқиб, сув исрофгарчилигининг олди олинади. Буни қарбдан ҳис этган туман ирригация бўлими мижозлар сув йўллари тозалашга алоҳида эътибор беришга эришди. Утган қарбда қатор ариқлар, каналлар тозаланди. Улар 18-20 йилдан бўён тозаланмаганди.

Китоб тумани ҳоқими Рустам Сағдуллаевнинг ташаббуси, ирригация бўлими жамоасининг сайёҳаракати билан Қорабулоқ ариғи бошидаги булоқни тозалаш ишлари бошлаб юборилди. Дастлабки кундаоқ бу ерда ҳашар ташкил этилди. Ҳашарчиларга қўй сўйилиб, дастурхон тортилди. Бу ишга 1 та замонавий экскаватор ва етарли илчи кучи ажратилган. Ушбу ишнинг ариқлари Эркин Ярашев, Тўйғун Нуралиев, Салоҳиддин Султонов, Аскар Маржаев, экскаваторчилар Шойим Мамадиев, Дониёр Ҳалимов, бош гидрометр Қилич Тошев, фойдаланиш ва таъмирлашни ташкил этиш бўйича мутахассис Самад Ортиқовлар номи фахр билан тилга олинади.

УЭЪЛОН

Хурматли тадбиркор ва сармоядорлар диққатига! “КО`СНМАС MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ ТАКРОРИЙ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 1 апрелдаги 403-сонли буюртмаомасига асосан: 1. Андижон вилояти Оптинкўл туманидаги “Оқтепа деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Умумий майдони 7000,0 кв.метр, қурилиш майдони 6913,0 кв.метр, 5 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 2 242 071 000 сўм, 2. Жиззах вилояти Арнасай туманидаги “Арнасай деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Умумий майдони 5600,0 кв.метр, қурилиш майдони 995,9 кв.метр, 3 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 416 940 000 сўм, 3. Фаргона вилояти Қувасой шаҳридаги “Қувасой деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Умумий майдони 4870,0 кв.метр, қурилиш майдони 700,9 кв.метр, 5 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 1 270 537 000 сўм, 4. Тошкент вилояти Бекобод туманидаги “Зафар деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Умумий майдони 5600,0 кв.метр, қурилиш майдони 899,3 кв.метр, 4 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 1 827 170 000 сўм, 5. Сирдарё вилояти Ховос туманидаги “Ховос деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Умумий майдони 5600,0 кв.метр, қурилиш майдони 892,0 кв.метр, 9 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 1 962 303 000 сўм, Аукцион савдоси 2019 йил 8 апрель куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Юқоридаги мулк 2019 йил 8 апрель куни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолари 2019 йил 15, 22 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: - юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилининг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси; - жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вақил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси. Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юқлатилади. Талабдорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko`snmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филилидаги х/р:22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширунға қадар тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru. Лицензия RR-0001.

Томорқада қилинган меҳнат

ҲАМ САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ, ҲАМ ДАРОМАДНИ ОШИРАДИ

Самарқанд туманининг Найзатена маҳалласида яшовчи Муродқул Бобо Тилаов 73 ёшни қаршилади. Тетик, бардам-бақувват бу бобога маҳалладагиларнинг ҳаваси келади.

Нуриддин БОЛИЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири. Тетиклигим ҳаракатчанлигимдан, — дейди у. — Баҳордан кеч қузғача томорқамиздаги экинларни парвариш қиламан. Набираларга бош бўлиб, томорқамизда йилига уч марта ҳосил етиштирамиз. Ҳозир редиска тайёр бўлди. Кейин бодринг етилади, бодрингнинг ўрнида эса кеч қузғач картошка ҳосилини йиғиштириб оламиз. Меҳнат қилганимиз учун қонимиз юришиб, саломатлигимиз мустаҳкам бўлса, экиндан рўзгорга барака киради. Қишда бекор қолмаслик учун бир ярим сотих ерда иссиқхона қилиб, лимон экканмиз. Гап фақат даромад топишда эмас, боболаримиз “ярим кунлик умринг қолган бўлса, чошгоҳча ҳаракат қил” деб, айтишган. Ушбу маҳалладаги Саидмирхон Оқиллов хонадонидида 6 сотихли иссиқхона оилага катта даромад келтирмоқда. Бу ерда ҳозирда 230 минг донна қарам қўчати тайёр бўляпти. Ушбу иссиқхонада йил бўйи уч мартаба қўчат етиштирилса,

фойдаланаётган хонадонлар кўпчиликини ташкил этади. Дастлаб, уста соҳибкор Олим Ғайбуллаев хонадонидида бўлди. У кишининг 10 сотихдан ортққроқ томорқасининг очик майдонидида айни пайтда исмапоқ яшнаб турибди. Хонадон соҳиблари кунора исмапоқни бозорга чиқариб сотади. Плёнка остига экинган эртаки сабзи ҳам баравж ўсмоқда. Март ойининг охирида тайёр бўладиган сабзи ҳам оилага қўшимча даромад келтиради. Томорқанинг 4 сотих еридаги иссиқхонадан йилига бир эмас уч мартаба ҳосил олинади. Иссиқхонада шивит, пиёз, саримсоқпиёз каби кўп қаватли парваришланмоқда. Ҳовлидаги узум ҳам ҳар йили мўл ҳосил беради. Оила эҳтиёжидан ортгани бозорга чиқарилади. Узумнинг ўзидан 2-3 миллион сўм даромад олинади. Тумандаги Каттақишлоқ маҳалласида истиқомат қилувчи Вали Бердирауловлар оиласи ҳам томорқани ҳазина деб билишади. Улар 14 сотих ерининг 2 сотихида иссиқхона ташкил қилган. У ерда ҳозир лимон парваришланмоқда. Ердан унумли фойдаланиш мақсадида лимонлар орасига помидор ҳам экинган. Помидорларнинг олди ранг ола бошлабди. Бундан томорқа эгаларининг димоғи чоғ. Пайриқ туманида ҳам ернинг тилини биладиган

Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги “Самара универсал сервис” наслчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги чорвадорлари худди шу нақлга амал қилиб, яхши натижаларга эришиб келаётир.

Молга берсанг соз емиш, боқар сени ёзу қиш

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири. Ушбу фермер хўжалигини 2015 йилда ташкил қилган Қундуз Машарипова хориждан зотдор молларни олиб келишни йўлга қўйди. Ҳозир у ерда Германиядан келтирилган насли қорамоллар парваришланмоқда. Дастлабки йиллари кам сонли қорамоллар билан иш бошланган бўлса, бугунги кунга келиб улар сони 130 бошга етказилди. — Шу кунларда ойига 3 тонна гўшт, кунига 300 литрдан сут топширмоқдамиз, — дейди фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Маҳкамбой Машарипов. Туман марказида фермер хўжалигининг гўшт дўконлари ишлаб турибди. Айни кунларда фермер хўжалигида баҳорги экиш ишлари қизғин давом этмоқда. Мавжуд 45 гектар майдонга чорва учун озуқабоп экинлар экилмоқда. — Наслчиликка доим алоҳида эътибор бериб келамиз, — дейди Қундуз Машарипова. — Чунки бўржонга боқилган зотдор қорамоллар тез етилиб, яхшигина тош босади. Хўжалигимиз қошида балиқчилик ҳам ташкил этдик. Насиб этса, “луқмаи ҳалол”дан ҳам баракали даромад оламиз.

Галла парваришидаги БИОЛОГИК ОМИЛЛАР

юқори ҳосилдорликни белгилайди

Айни кунларда галлакорларимиз мўл ҳосил яратиш учун бошоқли дон экинларининг парвариши билан банд. Бунда улар ўзлари орттирган тажриба, агрономларнинг маслаҳати ва олимлар тавсиясидан самарали фойдаланишади. Галла парваришида биологик омиллар ҳам борки, кўпинча бунга амал қилинмайди. Ваҳоланки, кузги бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил олишда, экинлар биологиясидан келиб чиқиб, парваришлаш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, галла ўсимлигини агрономик ривожланиш фазасида найчалаш, ундан кейин бошоқ чиқариш фазаси назарда тутилади, ҳолбуки, биологик фазалар кўрилганда найчалашдан кейин икки-уч кўзга кўринмайдиган фаза ҳам инобатга олинади. Шунинг учун бугунги кунда фермерлар ҳар гектар майдондаги галладан камида 60 центнердан ҳосил олмакчи бўлса, ушбу фазаларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Найчалаш фазаси. Ўсимлик ривожланишида ушбу жараён бошланмасдан олдин бегона ўтларга қарши гербицидларни сепиш, дала атрофларини бегона ўтлардан тозалаш керак. Ушбу фазада тупроқнинг "ДНС" (дала намлик сифими) 70 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Шунда жараён самарали бўлиб, ҳар бир панжа тез найчалашга ўтади. Найчалаш фазасида галла майдонларини 1000-1200 метр куб сув билан "шарбат" асосида сугориш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўсимлик бўйининг ўсиши ва генератив органларнинг ҳосил бўлиш фазаси. Бу фа-



зада ўсимлик бўйи жадал ривожланади ҳамда бошоқда мейоз бўлиниш содир бўлиб, гулдонларда муртак-тухум халта ва чангдон халталар шаклланади. Шунинг учун бу фазада ернинг дала намлик сифими 75 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда пуч тухумдон-чангдонлар ҳосил бўлади. Ушбу фазада экинни гектарига 150-200 килограмм миқдорда азотли ўғит билан озиклантириб, ерларни "шарбат" асосида энгил 500-600 метр куб сув билан сугориш талаб этилади. Доимий равишда дала ва унинг атрофи бегона ўтлардан тозаланиши лозим.

Тухум хужайра ва чанг дончалари ҳосил бўлиш фазаси. Бу фаза ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Муртак халтада-тухум хужайра ва чанг халтада чанг дон-



чаларининг (сперма) ҳосил бўлиш фазаси кўзга кўринмас

фаза бўлиб, бу фазада ернинг дала намлик сифими 75 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Агар ушбу талаб бажарилмаса, муртак халтада пуч тухум хужайралари, чангдонда чанг дончалари ҳосил бўлади. Бу уруғланиш жараёнининг сифатли кечмаслигига сабаб бўлиб, натижада пуч донлар ҳосил бўлади. Шу боис, ерларни 500-600 метр куб сув билан, "шарбат" асосида намлатиб сугориш керак. Доимий равишда дала ва унинг атрофлари бегона ўтлардан тозаланиши лозим.

Бошоқлаш фазаси. Ушбу фазада касаллик ва зараркундаларга қарши биологик курашиш, биоматериалларни далага тарқатиш лозим. Экин гектарига 150-200 килограмм миқдорда азотли ва 50-80 килограмм калийли минерал ўғит билан озиклантирилиб, 1000-1100 метр куб сув билан, шарбат асосида сугорилади. Чунки бу фазадан кейин гуллаш фазаси бошланиб, уруғланиш бошланади. Шунинг учун унга қўлай шароит яратиш талаб этилади.

Ушбу фазаларда галла парваришига эътибор қаратилса, илмий асосда белгиланган агротехник тадбирлар муддатда сифатли амалга оширилса, мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратилади.

Фарҳод ЖУМАЕВ,
Бухоро давлат университетининг Тупроқшунослик ва география кафедраси мудири, биология фанлари номзоди, доцент.

✓ Хаётий хикоялар

Устоз сехри

Уни кўргач, йўлда кетаётган болалар жойларида тўхтаб туришади; ариқ лабида улфатчилик қилаётган шўх йигитлар ўринларидан туриб кетишади; йигитлардаги жамоат у ўтирганидан кейингина жойларига чўкишади.

Бу сехри инсон уларнинг устозидир.

Бир мақола туфайли

"Тўда"сини топган Ўсарали ака

"Қишлоқ ҳаёти" газетасида "Ҳамқишлоқ орзу-си" сарлавҳали мақоласида мана бу қатра чоп этилишидан бошланди: "Қува анори, Риштон ўриги, Олтиариқ узуми, Андархон қовуни, Чўнғара девзираи. Бу жойлар ўзининг тенги йўқ зироатлари билан тилга тушган. Мен қишлоғим – Тўда йигитларининг жўмард эркакларга хос ишлари, лафзларида туришлари билан доврғ таратиб, "Тўда йигитлари", дея эъзозланишларини орзу қиламан".

Икки-уч кундан кейин ишхонадаги телефон жиринглаб қолди. Гўшаки кўтарсам, эркак кишининг овози. Салом-алиқдан кейин ораимизда шундай танишув сўхбати бўлиб ўтди:

– Менинг отим Ўсарали, фамилиям Нишоннов. Сиз Муҳаммаджон Тўшболтаевмисиз?

– Ҳа, менман.

– Телефон рақамингизни мақолангиз чиққан газетанинг бош муҳарриридан олдим. Сиз ёзган "Тўда" қишлоғи аввалги Куйбишев, ҳозирги Риштон районидими?

– Худди шундай, мен шу қишлоқданман. – Мен ҳам бир замонлар Тўданинг Терактаги кўргонида туғилганман. Сиз билан учрашсам, дегандим.

– Хўп, бемалол.

Эртасига тушлик пайтида хонамга бир челақ хурмо кўтарган барваста бир одам кириб келди. Кўрдиму юрагим жиз этди – олдимда сохт-сумбати ўзимизга ўхшаган одам турарди.

...У қишлоғини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Узоқ йиллар Тожикистон ва юртимизнинг турли худудларида яшаган. Сўнг Тўшкентда ноширлик қилган. 1930 йилларда, у атиги 4 ёшдалигида оиласи қишлоқдан кетиб қолган. Замон алғов-далғовлари шунга мажбур қилган. Ўсарали Нишоннов кичик бир мақола туфайли ўз "Тўда"сини 70 ёшлардан ошиб топди.

М.ТЎШБОЛТАЕВ,
профессор.

✓ Реклама ва эълонлар

ТОГЛАР МАКСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

• Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер • "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари

• Бульдозер-погрузчик БЛ-750 • Турли моделдаги шиналар

• Занжирли экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц

• Асфальторез • Подъемник БЛ-09

• "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2



Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТЎШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сухроб ЗИЕДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

✓ Реклама

"Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ тизимидаги "ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ" акциядорлик жамияти

қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини
буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.



Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри Буюк Ипак йули кўчаси 434 уй.

Мўлжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71) 264-08-12, (71) 264-77-48. info@TZST.uz.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.



ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.


Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ УЧУН
ТЕХНИКАЛАР, ШИНАЛАР, ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

Манзил: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани
Кичик ҳалқа йули кўчаси 52-уй.
Телефон: (+998 71) 150-10-56; +998 71 150-02-16;
(+998 95) 177-10-56; +998 95 177-02-16.
e-mail: info@paxtalizing.uz www.paxtalizing.uz



Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03;
Бухоро – (+99891) 401-29-59;
Жиззах – (+99893) 940-10-78;
Навоий – (+99891) 332-50-99;
Наманган – (+99893) 948-53-86;
Фарғона – (+99890) 407-76-03;
Самарқанд – (+99897) 575-50-67;
Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;
Тошкент – (+99890) 978-39-58;
Хоразм – (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-425, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзиллими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва
дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.
6 783 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.55

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
АҲАҚБЕРДИЕВ